

УДК: 618.2: 637.12:615

**СОҒИН СИГИРЛАР РЕПРОДУКТИВ КЎРСАТКИЧЛАРИГА
“MIOSTA H[®]” ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ****Эшбуриев Б.М.***Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети профессори в.ф.д.***Алимов Б.С.****Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети мустақил изланувчиси***Эрназаров Б.*****“MIOSTA GROUP” МЧЖ ветеринария врачлари*

Аннотация: Мақолада маҳсулдор сигирларда “Miosta H[®]” оксилли ва аминокислотали препаратини қорамолларда қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, сигирларда сут маҳсулдорлиги ва репродуктив функцияларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижаларининг таҳлили баён етилган.

Аннотация: В статье изложен анализ результатов исследований по применению белково-аминокислотного препарата “Miosta H[®]” у продуктивных коров на морфобиохимические показатели крови у крупного рогатого скота, влияние на молочную продуктивность и репродуктивные функции у коров.

Annotation: The article presents an analysis of the results of studies on the use of the protein-amino acid preparation “Miosta H[®]” in productive cows on morphobiochemical blood parameters in cattle, the effect on milk productivity and reproductive functions in cows.

Калит сўзлар: Буғозлик, репродуктив функциялар, “Miosta H[®]”, суспензия, симментал зоти, регенирация, морфобиокимёвий кўрсаткичлар, гемоглобин, аминокислота.

Ключевые слова: беременность, репродуктивная функция, “Miosta H[®]”, суспензия, симментальская порода, регенерация, морфобиохимические показатели, гемоглобин, аминокислота.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида чорва моллари бош сонини янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлик ва зот кўрсаткичларини яхшилаш, паррандачилик, йилқичилик, куёнчилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш каби долзарб вазифалар билан биргалликда ветеринария илм-фани ва амалиёти мутахассислари зиммасига ҳайвонлар касалликларига қарши курашни янада такомиллаштириш вазифасини ҳам юкладилар.

Бу борада ветеринария фани ва амалиёти олдига фермер хўжаликларига қарашли чорва молларининг касалликларига қарши курашиш ва даволашнинг ҳамда ҳайвонлар маҳсулдорлиги ва репродуктив хусусиятларини яхшилашнинг

самарали ва камчиқим усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали маҳсулотлар таннархини камайтиришга еришишдек долзарб вазифалар қўйилмоқда.

Қорамоллар зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш муаммоларини самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилаётган касалликлар орасида ҳайвонлар жинсий абзоларининг касалликлари, жумладан сигирлар бепуштликлари асосий ўринни эгаллайди.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили ва шахсий кузатишлар шуни кўрсатадики, Республикамизнинг чорвачилик фермер хўжаликларига четдан келтирилган маҳсулдор сигирларда бепуштликнинг кенг тарқалганлигига қарамасдан, уларнинг сабаблари, ривожланиш хусусиятлари, эртачи аниқлаш ва олдини олишнинг самарали усуллари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Россия Федерацияси Воронеж областининг Бобровский райони жанубий ғарбий кадастр квартал қисми 36:02:5400027 “БИОСТИМ” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган “Miosta Н[®]” препарати инъекция учун мўлжалланган суспензия бўлиб, 1 мл препарат таркибида 2 мг – фаол рецептор рекомбинант оқсили (ActR11b) ва шакл берувчи моддалар сақлайди.

Тадқиқотлар мақсади. “Miosta Н” оқсилли ва аминокислотали препаратни қорамолларда қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, сигирларда сут маҳсулдорлиги ва репродуктив функцияларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот жойи, объекти ва услубиятлар. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “ОБОДОНЧИЛИК” фермер хўжалигига қарашли қорамолларда ўтказилиб, Россия Федерацияси Воронеж области Бобровский райони жанубий ғарбий кадастр квартал қисми 36:02:5400027 “БИОСТИМ” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган “Miosta Н[®]” суспензия ҳолидаги инъекция учун (ҳажми 100 мл, серияси МЮ00003 МУ, рўйхатдан ўтган рақами №:001133, 22. 25.08.2022 йилда ишлаб чиқарилган, яроқлилиқ муддати 24.08.2024 йилгача) оқсилли ва аминокислотали препаратни қорамолларда қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, суяк, тоғай, пайларнинг регенирациясига таъсири, тана вазнининг ортиши, жун, тери қопламасининг янгиланиши, организм умумий резистентлиги, сигирларда сут маҳсулдорлиги ва репродуктив функцияларига таъсирини ўрганиш ва препаратнинг организмга нокуя таъсирлари бор-йўклигини кузатиш мақсадида хўжаликдаги 10 бош симментал зотли бепуштлиги ультратовуш текшируви (УТТ) ёрдамида аниқланган соғин сигирларда ўтказилди. Улар ҳар бирида 5 бошдан сигирлар бўлган тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилиб, биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларга биринчи марта 11.08.2023 йилда ва иккинчи марта 10.10.2023 йил куни “Miosta Н[®]” препарати бўйиннинг ўрта қисми мушак орасига, ҳар икки томондан 2,5 мл, жами - 5 мл юборилди. Назорат гуруҳидаги сигирлар фақат хўжаликда жорий этилган рационда парваришланди.

Препарат таъсирини тўлиқроқ асосланган далилларда исботлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирлардан 2 намунадан қон олиниб, Ветеринария илмий тадқиқот институтининг паразитология лабораториясида “ВIOBASE” гемоанализаторида текширишлар ўтказилди. Тажрибаларни бошлашдан олдин, тажрибалар давомида ва ҳар 20 кунда бир марта

сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутнинг ёғлилиги ва бошқа кўрсаткичлари аниқланди. Сутни лаборатория текширишлари Самарқанд вилояти Давлат Озиқ овқат хавфсизлиги лабораториясида “ЛАКТАН” - экспресс анализатори ёрдамида ўтказилди.

Тажрибадаги сигирларда кузатиш, клиник текширишлар ўтказилиб, ташқи физиологик ўзгаришлар, яъни тери ва жун қопламасининг янгилиниши (туллаш) ва семизлик даражаси аниқланди. Сигирларда куйиқиш кузатилиши, жинсий кўзғалиш белгиларининг намоён бўлиши, клиник текширишлар билан тана ҳарорати, бир дақиқадаги нафас ва юрак уриши сони, икки дақиқадаги катта қорин деворининг қисқаришлари сони ва кучи аниқланди.

Тажриба гуруҳидаги 5 бош бепушт сигирларга “Miosta Н[®]” препаратни қўллашда тасдиқланган йўриқнома кўрсатмаларига тўлиқ амал қилинди, белгиланган дозаларда ва муддатларда инъекция ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлили. Тажрибалар давомида препаратнинг тажриба гуруҳидаги сигирлар физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги ва соғлигига ножуя таъсирлари аниқланмади ва аксинча сигирлар соғломлиги яхшиланиши қайд этилди.

Тажрибалар давомида “Miosta Н[®]” препарати такрорий инъекцияси ўтказилгандан кейин физиологик ўзгаришлар назорат гуруҳидаги сигирларга солиштирилганда препаратнинг қорамоллар организмида моддалар алмашинувининг яхшилаши, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрлашиши, сигирларда иштаҳанинг яхшиланиши, тана вазни ошиши, соғиб олинаётган сут миқдори ва ёғлилик даражасининг ортиши, организм табиий резистентлигининг яхшиланиши, суяк, пай ва тоғай тўқималарининг регенерациясидаги ижобий ўзгаришларни ва препаратни қўллашда ножуя таъсирларни аниқланмади. Тажрибаларнинг охирига келиб, тажрибаларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан қондаги эритроцитларни ўртача 4,636 дан 6,512 $10^{12}/л$ га, гемоглобинни - 74 дан 96,5 гача, 22,5 га кўпайиши қайд этилди.

Тажриба гуруҳидаги сигирларнинг 3 боши биринчи инъекция қилингандан кейинги 7- кунда, қолганларининг препарат иккинчи марта инъекция қилингандан кейин куйга келиши қайд этилиб, ректоцервикал усулда сунъий уруғлантирилди. Уруғлантирилгандан кейин, 30 кун ўтгач УТТ ёрдамида текшириш билан барча сигирларнинг бўғозлиги тасдиқланди. Назорат гуруҳидаги 3 бош сигирда куйиқиш қайд этилиб, сунъий уруғлантирилди. Бу маълумотлар “Miosta Н[®]” препаратининг сигирларда модда алмашинувларини стимуллаш билан алиментар-эндокрин этиологияли бепуштликларни профилактик даволашда самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади.

Хулоса. “Miosta Н[®]” препаратини бўйиннинг ўрта қисми мушак орасига, ҳар икки томондан 2,5 мл, жами - 5 мл юбориш сигирларда моддалар алмашинувининг яхшилаши, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрлашиши, иштаҳанинг яхшиланиши, тана вазни ошиши, соғиб олинаётган сут миқдори ва ёғлилик даражасининг ортиши ва репродуктив хусусиятларининг яхшиланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эффективный метод профилактики нарушения витаминно-минерального обмена у коров С.Б. Эшбуриев, Б.М. Эшбуриев - The Way of Science, 2014
2. Mahsuldor sigirlarda tuxumdonlar disfunktsiyalarining etiologiyasi, diagnostikasi va oldini olish B.M. Eshburiyev, S.O. Ibroximov, K.A. Mirzakasimova - Agrobiotexnologiya va veterinariya..., 2023
3. Ветеринария акушерлиги БМ Эшбуриев - Дарслик. Тошкент, 2018.
4. ПРИЧИНЫ, ПАТОГЕНЕЗ И СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ ГИПОФУНКЦИИ ЯИЧНИКОВ У КОРОВ (анализ литературы) В Eshburiev, В Alimov - Вестник ветеринарии и животноводства (ssuv. uz), 2022
5. SIGIRLARDA GINEKOLOGIK KASALLIKLARNI DAVOLASHGA YANGICHA YONDOSHISH BS Alimov, MX Xamidov - AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA..., 2023
6. Etiopathogenesis and symptoms of hypocoeballosis in productive cows VB Abdumajitov, BM Eshburiev, SB Eshburiev - Academics: an international multidisciplinary research ..., 2021
7. “Miosta H®” йўриқномаси “BIOSIM” МЧЖ билан ҳамкорликда “BIOMED-RESURS” МЧЖ, Россия Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган.
8. Этиопатогенез и особенности течения субинволюции матки у коров в условиях фермерских хозяйств Республики Узбекистан БМ Эшбуриев, ША Уразов, ЗИ Илёсов - 2019
9. МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ ОЗИҚАВИЙ АРАЛАШМАЛАРНИНГ СИГИРЛАР РЕПРОДУКТИВ ОРГАНЛАРИГА ТАЪСИРИ БЧ Солиев, БМ Эшбуриев - "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM, 2022
10. МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРДА ЙОД ВА РУХ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЧ Солиев, БМ Эшбуриев - "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM, 2022